

**Халқнинг бахт-саодати болаларни тўғри тарбиялашга боғлиқ.**  
Жон ЛОКК

# Ma'rifa!

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 16 май, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 38 (7337)

Когон шахрида 17-иқтидорли болалар мактаб-интернатининг 320 ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди. 150 миллион сўм маблағ сарфланган ушбу янги ўқув масканини "Бухороқурилиш" ҳиссасдорлик жамияти қурувчилари муддатидан ярим йил илгари қуриб битказди.

## МДУдаги тарихий учрашув

Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг шу йил май ойининг бошида Россия Федерациясига қилган иккинчи бор давлат ташрифи иккала давлат ўртасидаги хавфсизлик, савдо-иқтисодий муносабатлар, ижтимоий соҳадаги ўзаро ҳамкорликни янги мазмунда ҳамда ўзгача бир салмоқли қўлдам давом эттириш учун етакчи асос яратди. Ушбу нуфузли ташриф доирасида Президентимизнинг Москва Давлат университетида ушбу олий билим даргоҳи илмий кенгаши аъзолари, профессор-ўқитувчилари ҳамда МДУда ўзаро ҳамкорлик доирасида ташкил этилган семинар-кенгашда иштирок этаётган мамлакатимиз олий ўқув юрталари раҳбарлари билан учрашуви Юртбошимизнинг таълим-тарбия соҳасига, кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор бериб, уни мамлакат тараққийоти белгиловчи ва ижтимоий йўналишда устувор соҳа дея илгари сурган гоёсига содиқлигини яна бир бор исботлади.

Учрашуви Москва давлат университети ректори В.А.Садовничи кириш сўзи билан очди. У ўз сўзида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларини, бу муваффақиятлар республикада олиб борилаётган янги давлат сиёсати, мамлакатни ривожлантиришнинг миллий анъаналарга асосланган ўзига хос моделини ҳаётга татбиқ этиш орқали эришилаётганлигини қайд этди. Айниқса, республикада таълим тизимида олиб борилаётган ислохот ва унинг қисқа вақт ичида қўзғатилган натижалари кишини ҳайратлантириши алоҳида таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон таълим тизимида кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар, янги турдаги таълим муассасалари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг барпо этилаётганлиги ва замонавий жиҳозланаётганлиги, энг асосийси уларда таълим олаётган ёшларимиздаги дадиллик, келажакка ишонч, ўз ватанига, она ерига эғаллик ҳиссининг уйғоқлиги илк ва асосий ютуқ эканлиги эътироф этилди. Бу гаплар мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришларни, янги-янги таълим олаётган кўрган россиялик олимнинг, фан арбоби-нинг фикрлари эди. В.А.Садовничи Республикаимиз Президентини

Ислон Каримовнинг улкан сиёсатчилик қобилиятини ва Москва давлат университетининг муносиб фахрий профессори этиб сайланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Учрашувда республикаимиз Президентини Ислон Каримов нутқ сўзлади. Ўз нутқида Президентимиз Москва давлат университетининг жаҳонда қўзғатилган университет профессор-ўқитувчилари, илмий жамоаси фан ва техниканинг турли соҳаларининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлигини, университетнинг фан ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бераётганлигини алоҳида даъво қилиб қайд этди.

Ислон Каримов ўз нутқида буюк бобоқалонларимиз Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улугбек ва Алишер Навоийларнинг жаҳон фани ва маънавий хазинасига қўшган буюк ҳиссаларини эслаб, ҳозирги авлод албатта аждодлар ишининг давомчили бўлиши зарурлигини таъкидлади. Ўзбекистонда таълим тизимида олиб борилаётган улкан ишлар, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул қилиниши билан узвий боғлиқдир.



Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Охунбобоев номи жамоа ҳўжалигининг "Янгиобод" маҳалласида 460 ўқувчига мўлжалланган 2 қаватли мактаб биноси қурилиб фойдаланишга топширилди.

лиги Саодат Иноятова, Денов туман ҳоқими Абдуҳаким Эшмуратов ҳамда туман халқ таълими бўлими ходимлари, қурувчилар, ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳозир бўлдилар.

### Munosabat

Мен бир оддий педагог истиқлол туфайли бахтимни топган, меҳнати қадрланганлардан бириман. 2001 йил 9 май Хотира ва кадрлар кунинда Юртбошимизнинг жамоатчилик вазирлиги билан учрашувдаги фикрларимдан жуда тўқинландим. Ул зотнинг умрим мазмунига айланган тарих фанига муносабатлари, илмий фикрлари мени калам олиб ёзишга ундади. Азиз Сарбоним сиз менга яқин 30 йил мобайнида ўзим англамаган руҳиятни — отажонимнинг ички руҳиятини ангадтирдисиз. Шу кунни сизнинг бутун вужудин билан тингладим. Кейин алламоҳалга отам билан гоёидан суҳбатладим. Хотиралар оғушида ўтирдим...

гиз айтгандай улғу тарихимизни хис қиладиган, ундан руҳий қувват оладиган ёшларнинг тарбиясига қолган умримни ҳам бахшида қилишга тайёрман.

### Дўстликка чорлаган мусобақалар

Спорт — инсонни қомилликка элтувчи восита. Демакки, спорт билан мунтазам шуғулланиш инсонни жисмонан соғлом қилади. Бу эса унинг ақдан етуқ бўлишига ҳам олиб келади. Зеро, боболаримиз "Соғ танда—соғлом ақл" деб бежиз айтишмаган. Шу боис юртимизда спортга катта эътибор қаратилмоқда. Буни биз ёшларимизнинг спортга ошно қилишда ҳукуматимиз томонидан ташкил этилаётган турли мусобақалар мисолида кўришимиз мумкин.

### "Olimpiada umidlari—2001"

Маялумки, бундан бир ҳафта аввал ҳаммининг нигоҳи Жиззах вилоятида порлаган, қўвдан нур олган машаълага қарилган эди. Шунини алоҳида айтиб ўтиш жоизки, "Барқамол авлод" спорт мусобақалари, деб ном олган ушбу кичик олимпиада ҳатто чет эллик меҳмонларни ҳам ўтказилиш савияси ва муросаси ўтган баҳслари билан лол қолдирди. Яқинда эса юртимиз пойтахти Тошкент шахрида ўлиб мусобақаларнинг бош бўғини ҳисобланган "Олимпиада умидлари—2001" спорт мусобақаларининг 4-босқич — республика миқёсидаги мусобақаларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу мусобақаларда ўқувчи-ёшлар спортнинг 7 тури бўйича ўтказилган 3 босқичдаги саралаш ўйинларида голибликни қўлга киритган 12 вилоят мактаблари жамоалари иштирок этишяпти.

### Muammoning yechimi

Ота-она фарзандини қанчалик суяр, унинг келажғи учун қайғурар экан, унга китоб, жумладан, мактабда ўқитилиши лозим бўлган фанларга оид қурол, қўлланма, асос—дарсликларни олиб бериши шунчалик табиийдир.

### Дарслик харид қилдингизми?

Халқ таълими вазирлиги Дарслик ва ўқув ҳўжатлари бошқармасидан олган маълумотларга кўра 2001-2002 ўқув йили учун дарслик ва ўқув қўлланмаларига эҳтиёж 429 нонда 35671262 нухса деб белгиланган. Ҳозиргача 157 нонда 15095300 нухса дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилган.

## ИСТИҚЛОЛ ВА МУАЛЛИМ МАСЪУЛИЯТИ

каттиқ жароҳатлангандилар. Мактабдан келиб "Отажон, қаерларда жанг қилгансиз?", "Медалларингизни қандай қилиб олгансиз?", "Нечта фашистни ўлдиргансиз?", "Уруш хотираларингиздан гапириб беринг", деб саволларга қўмиш ташлар эдим. Отажоним эса оғир тин олдим. "Қурск жангида иштирок этганиман, жанг майдонини кенг дала, мисоли фарқ пийшган бугдойни катта чағи ўрқда ўраётгандай, одамлар атофимдаги дўстларин йикила, "тутдай тўқилар" эди. Халқ бўлганларнинг ўрнини орқаданги тириклар эгаллар эди. Улар ҳам..." Отам чуқур тин олиб, ўзоқ жим бўлиб қолар эдилар. Ниҳоят, саволларимга бошқа жавоб ололмаганимга кўзим етиб, сунгги саволни берардим. "Ғалабани қандай қўлга киритгансизлар? Отам: "Фашистни ўлиб енгганимиз, болам" дер эдилар. Мен буни ҳам тушунмай ҳайрон қолардим. Отам аста ўринларидан туриб кетар эдилар.

ларни тўғри, чуқур англаш, масъулиятни хис қилиши лозимлигини ўқитар экансиз. Бугун мен ишлаётган мактаб Юрт-бошимизнинг назарига тушиб республикадаги тарих фанига иxtисослашган 4 та мактабнинг бири сифатида фаолият кўрсатмоқда.

жихатларни фарзандларимизга аниқ тароққоқ тушунириш лозимлигини англадим. Бугунги қилинган ишларнинг моҳиятини тушунолмаган, хис қилолмаган шахсларга мактабларда ўқувчилар, ўқитувчилар томонидан фойдаланилаётган, тубдан янгиланган дарсликлар борлигини "уларни ўрганинг, айнан сиз учун, юртимнинг келажғи учун бу жуда зарур" деб хитоб қилгим келмоқда, отажон. Бу гаплардан истиқлолимиз, истиқболимиз олдига муаллим масъулиятини нақадар улканлигини яна бир бор хис қилдим. Сиз ҳаммиса бир гапни такрорлар эдингиз — "Инсоннинг туғанмас хазинаси бор, бу — илм, эскирмайдиган либоси бор бу унинг - ақли" дер эдингиз. Бугун юртимизда жасур Сарбонимиз бошчилигида ана шу "хазина" ва "либоси"ни миллий ва жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш учун улғу қарвон йўлга тушди. Шубҳа қилманг, азизлар, бу қарвон илми ичиб, бардошни ютиб интилиб бормоқда, олдига уни буюк келажак — нурли тоғлар кутмоқда.

### Сизнинг нашингиз, ҳаммаслагингиз

Ma'rifa! газетасига 2001 йилнинг иккинчи ярим йили учун обуна дувом этмоқда.

Нашр индекси: Якка обуначилар учун — 149 Ташкилотлар учун — 150

## Дарслик харид қилдингизми?

Халқ таълими вазирлиги Дарслик ва ўқув ҳўжатлари бошқармасидан олган маълумотларга кўра 2001-2002 ўқув йили учун дарслик ва ўқув қўлланмаларига эҳтиёж 429 нонда 35671262 нухса деб белгиланган. Ҳозиргача 157 нонда 15095300 нухса дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилган.

тиб олиб беришяпти, камдаромад оилалар фарзандлари учун ҳоқийлар кўмағи билан дарсликлар олиб бериляпти. Олдинги йили фойдаланилган дарсликларни йиғиб олиб, кейинги йилда шу синфда ўқийдиган болаларга арзонлаштириб олиб бериляпти. Хуллас, бор имкониятларни ишга солинапти. Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан устувор соҳа—таълим тизимига берилаётган эътиборини бугун чет элларда ҳам эътироф этишмоқда. Биз—катталар, ота-оналар-чи?

• Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташаббуси билан анжуман ўтказилиб, у хориж сармояларини жалб этиш ҳамда экспортни ривожлантириш масалаларига бағишланди.

• Бухородаги Камолитдин Бехзод номидаги санъат музейида "Инсон хотираси муқаддас" деб номланган 170 экспонатли янги экспозиция кўргазмаси очилиб, унинг биринчи бўлимидан Широқ, Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Махмуд Торобий сингари халқ қаҳрамонларининг мардонавор ҳаётига бағишланган лавҳалар ўрин олган.

JUMLADA JAHON

• НАТОнинг "Фан тинчлик йўлида" дастури доирасида "Тошкентда ва Бишкекда сейсмик хавфни баҳолаш ҳамда уни камайтириш" лойиҳасини амалга оширишда иштирок этаётган бир гуруҳ олимлар Хоразм вилоятига ташриф буурди.

• "Боинг" корпорацияси ўз қароргоҳини ўзгартириши тўғрисидаги маълумот тасдиғини топиб, мазкур корпорация асосан "Боинг"нинг бош офисини жойлаштириш учун Чикаго шахри танланди.

Хусан НИШОНОВ, "Маърифат"нинг махсус муҳбири



Кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси бўлган узлуксиз таълим соҳасида олиб борилаётган ташкилий-педагогик, илмий-методик ишларни ёритадиган, ўрганадиган ҳамда ечимларини тарғиб ва ташвиқ этадиган, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги муассислигидаги

“UZLUKSIZ TA'LIM”

журнали энг яхши илмий-методик ва ташкилий-педагогик мақолалар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мақолалар куйидаги талабларга жавоб бериши шарт: + “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га биноан узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принципларига биноан олиб борилаётган ташкилий-педагогик ишлар, илмий изланишлар, услубий хизмат кўрсатиш бўйича амалий фаолиятлари; + Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш бўйича илмий-амалий, ташкилий-услубий ишлар; + Узлуксиз таълим тизими ва турлари ўртасидаги изчилликни таъминлаш (мактабга таълим-умумий ўрта таълим—ўрта махсус, касб-хунар таълими—олий таълим—олий ўқув юртидан кейинги таълим—кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш—мактабдан ташқари таълим) бўйича педагогик ҳамкорлик, таълимни бошқарувдаги тажрибалар.

Танловда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумий ўрта таълим мактаблари, мактабга ва мактабдан ташқари таълим муассасалари педагогик жамоалари, илмий-педагогик муассасалар ходимлари, ўқитувчилар, таълимни бошқарув органлари вакиллари ўз тажрибалари, амалий фаолиятлари, илмий қарашлари билан иштирок этишлари мумкин.

Танлов ғолиблари куйидаги пул мукофотлари билан тақдирланадилар:

- 1 та 1-ўрин учун
1 та 2-ўрин учун
1 та 3-ўрин учун

- 50 минг сўм
30 минг сўм
20 минг сўм

Танловга мақолалар куйидаги манзилга 20 июнь 18.00 га қадар тақдим қилиниши керак.

Тошкент шаҳри, 700078, Мустақиллик майдони 5, Халқ таълими вазирлиги, 5-қават, 523-хона. Маълумот учун телефон: 1391343, 1442316 Факс: 1391173

МАҚСАД — МАҲОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

ЎзМУ ҳузуридаги Олий педагогика институти олимлари мамлакатимизнинг турли хулудларида ижодий сафарларда бўлишиб, учрашув ва семинарлар ташкил этишмоқда. Худди шундай учрашув яқинда Жиззах политехника институти ва Жиззах вилояти Маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтди. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касбий педагогик маҳоратини ривожлантиришнинг янги технологиялари” деб номланган ОПИ сайёр семинар гуруҳининг навбатдаги мазкур машғулотида асосан вилоят олий

ўқув юртлари ўқитувчилари қатнашдилар. Учрашувда Ш.Шарофов “Кадрлар малакасини ошириш муаммолари”, Э.Юсупов “Миллий мафкура ва таълим-тарбия муаммолари”, Н.Сайидхмедов “Касбий педагогик маҳоратни оширишнинг янги технологиялари”, У. Ҳайдаров “Икτισодий тараққиётда фан методологиясининг аҳамияти”, Б.Қодиров “Икτισодий талабаларни танлашнинг психологик муаммолари” мавзуларида маърузалар ўқиди.

Семинар машғулоти раҳ-сунозаларга бой бўлди.

И.БҮРИБОВ

ҚЎШИҚЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Куролли Куचлари Марказий Офицерлар уйида Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган “Ўзбекистон — Ватаним маним” республика кўшиқ байрами доирасида ўтказиладиган “Мардлар кўриқлайди Ватанин” шiori остида Умумармия кўшиқлари фестивалининг Тошкент гарнизони якуний бос-қичи бўлиб ўтди.

Фестиваль иштирокчилари уч йўналиш: миллий муомтоз ва эстрада, саф кўшиқлар, ҳарбий саф кўшиқлар (профессионаллар учун) бўйича бахslashдилар.

Биринчи йўналиш бўйича биринчи ўрин “Юртим кўшиғи”ни ижро этган 12 ёшли ҳарбий хизм тарабияланувчиси Мирижод Миркомилсга насиб этди.

Иккинчи йўналиш бўйича “Офицерлар марши”ни ижро

этган Георгий Ҳасанов ғолиб деб топилди. Учинчи йўналиш бўйича, Фафур Фулом шеъри, Авазбек Маллабоев мусиқаси билан “Ватандир бу” кўшигини ижро этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Камолиддин Раҳматовга биринчи ўрин насиб этди.

Биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаганларга кўмондонликнинг фахрий ёрликлари топширилди. Қувонарлиси шундаки, фестиваль давомида ҳарбийлар орасида Ватан, юртни мадҳ этуви, садоқат мавзусидаги кўшиқлар билан бирга ёш, янги-янги истеъдодлар ҳам кашф этилди.

Умумармия кўшиқлари фестивали июнь ойида якунланади.

Каримжон АБДУРАҲМОНОВ

Konstitutsiya saboqlari

Конституцияни урганиш, ардоқлаш ва фойдалана билиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Унга қайта-қайта мурожаат қилиб эканмиз, инсоннинг энг олий ҳуқуқлари кашф этилаверди, бизни сародати кунларга элтувчи ойддин манзиллар қуринаверди. Ана шундай Қомусга эга Ватанимиз озодлиги, истиқболли қандай ҳимоялашимиз керак? Бу ҳур ҳимояларимиз учун фахридир. Чунки ҳар бир йигит 18 ёшта тулғандан кейин Ватанин ҳимоя қилиши

тиқлол йўлида миллат қайғуси дея шайхид кетган ота-боболаримиз жасоратини бутун ишонч билан давом эттираётган ҳарбий йигитларимиз кўз қорачиғида гўё Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Бобур каби саркардалар кўз нури балқиб тургандай. Утган йили эзда террорчилик ҳаракатларига қарши зарбалар беришда Ватан олдидан бурчларини фидойиларча бажариб, мардлар

моний куч-қувватни, балки юксак идроклими, зийраклик, қаққонлик, удабурунлик, ақл-заковат ва шижоатни талаб қилади. Ана шундай хислатлар ҳар бир Ватан ҳимоясининг нигоҳида, ҳаракатида сезилиб туриши лозим. Аскарларимиз доворак ота-боболаримизнинг санъат даражасига кутарилган жанговарлик тажрибаларига таяниб, мамлакатимиз мудоффа қудра-

ВАТАНИНН ХИМОЯ ҚИЛИШ — ОЛИЙ БУРЧ

учун ҳарбий хизматга боради. Улар давлатимизни мудоффа этишда ўз ҳиссаларини қўшадилар. Ватанин севиш, ватанпарварлик бурчини ҳар бир фуқаро чуқур тушуниши керак.

Ватанин қуриқлаш, Ватанин ҳимоялаш, Ватанга муҳаббат ватанпарварлик. Нақадар юракка яқин сузлар. Бу сузлар айрилганда кўз олдимизга эл-юртни ёвлардан жонжаҳди билан ҳимоя қилган халқимизнинг қаҳрамонлари Тумарис, Широқ, Спитамен, Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик, Нажмидин Кубро, Солиҳбек доғдо, Дуқчи эшон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чулуон сингари фидойилар келади.

Азаддан юртимиз фозилу фузалолари, маърифатпарварлари билангина эмас, улар саркардалари, юксак ҳарбий санъат, жанговарлик қобилиятига эга шижоатли улмонлари билан ҳам дунёни ҳол қолдирган. Юртимиз шаънини асрлардан асрларга олиб ўтган шавкатли аждоғларимиз, ис-

ча ҳалок бўлган йигитларимиз Сайёр Саъдинов, Алишер Салимов, Бобуржон Ганиев, Маъруфжон Ражабов, Улғбек Барноев каби Ватан улмонларининг мангуликка дахлдор руҳлари ҳушёрликка чорлаб тургандай бўлади. Фарзандларимиз қалбига ёшлтиридан Ватан туйғусини жо қилиш оила, маҳалла, мактаб олдидан турган муҳим вазифадир. Халқимиз қадимдан фарзандларини, мард ва жасур улмонлар қилиб тарбиялашга катта аҳамият берган. Чунки, ватанпарварлик, озодлик қадрини, отамерос туфроққа меҳр каби олижаноб тушунчалар, аввало, оилада шаклланади. Ана шундай тарбия олган ёшларимизга халқимизни ҳимоя қилиш, унинг истиқлоли, озодлиги, ҳуқуқий аҳлиятлиги ва дахслизлигини сақлашга қодир бўлади.

Ватанин ҳимоя қилиш энг шарофли иш. У баъзилар уйлаганчаллик мажбурият эмас, ҳар бир инсоннинг қалби амури бўлмоғи лозим. Ҳарбий санъат инсондан нафақат жис-

тини мустаҳкамлашдек эзгу ишга бутун куч ва билимини сарф этиб, Ватан ва халқ олдидан конституциявий бурчларини шароф билан эда эتماқдалар.

Ватанин севмоқ иймонданaddir, дейлади ҳикматларда. Бутунни озод қилганимизда Ватанин севиш ва қадрлашни иймон каби юксак тугталар сафи кенгайетгани қалбларимизни чуқур фаҳрга тўлдирди.

Келажагимиз уйларидан бўлган ёшларга эътибор юксак даражада кутарилган бежиз эмас. Ёшларимиз қалбига билим ва тафаккур нурулари ёлқинланмоқда, шавкатли аждоғларимизга хос миллий гуруҳ ва орият шаклланимоқда.

Ватан туйғусини дилга жо қилган суянчилигимиз — ёшларимизга ишонар эканмиз, олдидан кўнларимиз тобора нурафшон қуринаверди.

Башорат ОМОНОВА, РТМ бош мутахассиси

Дилбар опамни каттиққўл дейишди. Балки шундайдир. Бир куни дадам ҳам мендан: — Дилбар опангдан қўрсасизларми? — деб сўрадилар. — Ҳа, қўрсамиз, — деб жавоб бердим. Ахир, ростдан ҳам қўрсамиз-да, яшириб нима қиламан. — Демак, ёмон кўраркансизлар-да у кишини? — дедилар дадам тагин. Уйланиш қолдим. Кўркимизнинг рост, аммо ёмон кўрмас эканмиз, аксинча, бир жонқур онамиздек бўлиб қолганини юракдан ҳис қилдим. Айниқса, бир куни айтган гапларидан сўнг: — Болаларим, бўталоқларим, кизалоқларим, — дея тўлқинлиб мурожаат қилдилар у киши бизга. Ҳаммамиз бирданга вағир-вуғурдан тўхтаб жим қотиб қолдик. Устозимизни ҳеч вақт бунақа кайфиятда кўрмаган эдик. Бизга худди қатталарга гапиргандай гапира кетдилар. — Сизларни деб икки йил пенсияга кен чиқаялман. Кимнинг қўлига тушди, нима бўлади, дедим. Бошлангич синф босқичида сизларни еру қўққа, ҳеч кимга ишонолмадим. Эндигина жиҳси, фикри барқ урилиб келмаганимизни билдик, хиллакурса, шу болаларим 4-синфини мен билан тутасинлар, сўнг бир инфоли ўқитувчининг қўлига туша мактабим яхши тугати олишар, деб уйдилар. — Дилбар опам шундай дея биздан кўзларини опқониб деразага ўқитдилар, гапирмай турдилар. Кимдир “Устозимиз йўғлапти” деди. “Ие, нима бўлди?” дея бир-биримиздан пичирлаб сўрай кетдик. — Жим! — дедилар у киши бизга ҳар

Ehtimom

ларимизни бохабар қилиб, мактайдилар ё огоҳ қилиб қўйдилар. Файрат-шижоатларига қойил қолиш керак.

У кишидаги интизом, тартиб, қолаверса инсофни кўриб ҳар доим офарин дейишди ота-оналаримиз. Масалан, яқинда биз эсдалик учун ўқитувчимиз билан суратга тушдик. Ва, албатта, расмлар учун у киши пул йўғадиган бўлдилар. Менга қайтим учун 10 сўм пуллари йўқ экан. У киши дарҳол: “Оловидинжон, мен сендан 10 сўм қарздор бўлиб қолдим, оймганта шунақа дегим”, дедилар-да, бир дафтага ёзиб қўйдилар. Эртаси куни у киши дарсга келмадилар. Касал бўлиб қоптилар. Аммо этган жойларда невараларимни, ишқилиб бир боладан ўша кечаги 10 сўмни бериб юборитдилар. Келиб оймганта шунақа десам: “Тиллога топилмайдиган устозларинг бор-да” дедилар.

Дилбар опам дарсда жуда каттиққўл. Аммо тушулмаган нарсаларимизни қайта ва қайта тушунтиравердилар. Агар тушунмай қолса; ота-оналар мажлислаарида ҳам ё дадамиз, ё оймизига “болангиз фалон дарсда фалон мисолни тушулмаган эди, мана ўша мисол, ечилиши шунақа бўларди, дафтага ёзиб бериб юборган эдим, афсуски, сиз ҳам қарамбисиз, болангиз қудалиги, дафтарини ҳар кун кузатиб бормасизми, шунинг учун бир баҳо пасаиди, чоракликда ўзини тузатиб олсин”, дея танбех беришдан ҳам сира эринмайдилар.



БОЛАЛАРГА КИТОБЛАР ТАҚДИМИ

Яқинда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қошидаги “Шарқ зибкери” дўконда халқимизнинг таникли шоир ва ёзувчилари билан китобсавар ўқувчилар учрашуви ўтказилди. У ерда хозир бўлган ёзувчи ва шоирлардан Ислом Шогўломов, Нормурод Нарзуллаев, Ойдин Хожиева ва бошқалар китоб, бола, муносабат, кутубхона, ўқиш ва ўқиш тушуначларини ҳақида сўз юритиши, боланлар билан дилдан сўхбатлашдилар.

“Шарқ зибкери” дўкони сотувчилари эса ўғил-қизларни дўконга янги келтирилган қатор бадий адабиётлар, шунинг-

дек, лотин алифбосида чоп этилган “Ким яхши—одобли бола яхши”, “Шарқ халқлари эртақлари” Э.Маликовнинг “Найрағнов шайтонвачча” О.Хусанин “Тоғда ўсган бола”, А.Қаҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” китоблари билан таништиришди ва уларга турли китоблар совға қилишди. Қисқаси, учрашув барча-барчага завқу шавқ бағишлади.

МУХБИРИМИЗ

Суратларда: учрашувдан лаҳзалар. Равиль АЛБЕКОВ олган суратлар.

СИЗНИ ЯХШИ КЎРАМИЗ

галгидай ўғирлиб ва қўзларини ўрмолча билан ардиб олдилар. Шунда у кишининг чиндан ҳам йўғлаётганини билдик. Негадир ўзимиз ҳам мулазам бўлиб қолдик. Қизлардан қайси бири билкилаб йўғлаб юборди ва баралла “кетманг” дея ялиди. — Йўқ, мен кетаётганим йўқ-ку, она қизим, — дедилар у киши тагин ҳам юмшақ, меҳрибонлик билан. — Барибир мен сизларни 4-синфгача ўқитар эдим, кейин бошқа ўқитувчи раҳбар бўларди, чунки энди сизлар улғаяйсизлар, фанлар кўпроқ ўтилади, мураккаблашади. Айтган эдим-ку, мен сизларни фақат бошлангич синфда ўқитаман деб. Сўнгра устозимиз қарийб 32 йилдан бери бошлангич синфларга дарс бериб келганлари, эҳ-хе, қанчадан-қанча катта олимлар, арбоблар у кишини биринчи ўқитувчим, дея эъзолашлари, байрамларда табриқлашларини сўзлаб бердилар. — Дилбар опам бошлаган ишини охиригача мукамал топганини яхши кўрадилар. У киши ўқитувчиник мураккаб касбигини, одамнинг асаблари нечоғли тоқиллишини, аммо шу билан бирга шу қадар кизикарли эканлиги, биз ҳам бошлаган бир ишни маромига етказиб тугатишни одат қилишимизни насихат қилдилар.

Бизни пенсия ёшининг икки йилдан кетиб бўлса ҳам 5-синфга қадар ўқитаётганларининг маъносини шунда экан.

Дилбар Раҳматуллаеванинг “Катта ўқитувчи”, “Олий тоифали ўқитувчи” деган унвонлари, “Халқ таълими фидойиси” деган нишонлари бор. Дарс бериш услублари Юнусовда тумани, кейин Тошкент шаҳри микросида амаллаштирилган. Ҳатто малака ошириш институтида ўқитувчиларга математикадан дарс берган вақтларимиз бўлган.

Дилбар опам фидойи инсон. Айни пайтда худаям тўғрисида аёл. Шу боис, баъзан ўқитувчилар, баъзан маҳалладаги аёллар ўртасида майда-чуйда гаплар оранаса, у киши дарҳол жериб, танбех бериб, тўғрилиққа, инсофга қақирар, бўлар-бўлмас гапларга аралашмас эканлар.

Бизнинг шунақа жонқуяр, фидойи, талабчан, меҳрибон устозимиз бор. Яна денг, у киши янги ўқув йилдан бизга билимдон ва жонқуяр ўқитувчи топиб қўйибдилар. Биз у кишининг қилганини билмайдигу, аммо ўзларига ўшаган ажайиб фазилатли инсон эканликларига ишонамиз. Чунки Дилбар опам бизга фақат ва фақат яхшиликни раво кўрадилар.

Баъзи тенгулларимиз фалон, писмадон мактаб зўр, шароити яхши дейишди. Менимча, мактаб эмас, мураббий танлаш керак. Айниқса ўша мураббий Дилбар опага ўшаган бўлса. Дарвоқе, мен ўқётган, Дилбар опам дарс бераётган мактабнинг манзилини айтманган: Тошкент шаҳар, Юнусовд туманидаги Аҳмад Раҳмат номидаги мактаб. Ҳудди йили туғилгандай бир келиб кетинг, бир кўриб кетинг.

Оловиддин СОБИР ўғли

ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

“Табиий фанлар” кафедраларининг ҳар бирининг ўз раҳбари ва иш режалари бор. Кафедраларнинг ўқитувчилари илмий-услубий изланишлар олиб бормоқдалар ҳамда янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига олиб киришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Бундан ташқари кафедра мудирилари ва тажрибали ўқитувчилар ёш педагог ходимларимизга доимо услубий ёрдам бериб келмоқдалар. Кафедрани ишнинг ташкил этиш бунда асосий ва шу боис, бу соҳада ҳали қуп ўрғанишимиз керак.

Коллежда ўқувчиларнинг билим ва қункима даражасини аниқлашда рейтинг тизими таъбиқ этилган. Ҳар бир ўқувчиларнинг дастури материалларини яхши ўқитишини таъминлаш, ўқув жараёнига ўз вақти-

да керакли узартиришлар киритиш мақсадида ҳар бир ўқувчининг ба бутун ўқув гуруҳининг алоҳида фан ва ҳар бир семестр, курс бўйича ўзлаштириш ва сифат даражасининг таҳлили олиб борилади. Ҳар бир ўқувчининг семестр бўйича умумий ва ўрта баллари ҳисоблаб чиқилади ва улар натижалари рейтинг тахташи жойлаштирилади. Ҳар бир семестрда ўқув юрти бўйича буйроқ чиқарилиб, юқори рейтинг курсатқиларига эришган ўқувчилар “Фахрий ёрлик” ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Уқитувчиларимиз дарсларни да керакли узартиришлар киритиш мақсадида ҳар бир ўқувчининг ба бутун ўқув гуруҳининг алоҳида фан ва ҳар бир семестр, курс бўйича ўзлаштириш ва сифат даражасининг таҳлили олиб борилади. Ҳар бир ўқувчининг семестр бўйича умумий ва ўрта баллари ҳисоблаб чиқилади ва улар натижалари рейтинг тахташи жойлаштирилади. Ҳар бир семестрда ўқув юрти бўйича буйроқ чиқарилиб, юқори рейтинг курсатқиларига эришган ўқувчилар “Фахрий ёрлик” ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Ҳафта давомида коллеждаги назарий ва авиация заводларининг амалий машғулотлар кунлари узаро тасдиқланган график асосида белгиланади. Корхона бўйича чиқарилган буйруқда, ўқувчиларнинг сехларга ва бўлинмаларга бириктурулиши, амалий жараёнида қатнашадиган цех бошлиқлари ва мансабдор шахслар ваши, меҳнатта ҳақ тулаш, теҳника хавфсизлиги ва бошқа тегишли масалалар ҳал қилинади. Ҳар бир бўлинмадаги бириктурулган цех бўйича ҳам фармойиш чиқарилиб, ҳар бир ўқувчига юқори малакали ишчи мутахассислардан мураббий тайинланади. Ҳар бир бўлинмадаги цехнинг табели ҳисобига олинмадилар ва корхонада жорий этилган ички меҳнат тартибига риоя қилинадилар. Назарий фанларни ўқитиш режасининг бажарилиш да-

Қобил ЎЙЛДОШЕВ, Тошкент Авиасаноқ касб-хунар коллежи директори

# ДЎСТЛИККА ЧОРЛАГАН МУСОБАҚАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу кун учрашувлар якунида ХТВ биносига республикамизнинг 12 вилоятдан ташриф буюрган мураббийлар иштирокига кичик анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Мусаев очар экан, меҳмонларни мусобақаларнинг ilk кuni билан қутлади. Шундан сўнг музокаралар тарзида ўтган йилги ишбу мусобақаларни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси бош штаби бошлиғи Т.Мухитдинов ва бошқа вилоятлардан келган меҳмонлар сўз олишиб, мусобақаларнинг ўтказилиши билан боғлиқ бўлган масалаларга ҳамда "Пахтакор" марказий ўйингоҳида ўтказилиши мўлжалланган мусобақаларнинг ёпилиш маросими тантаналарига алоҳида ургубериб ўтишди.

— "Олимпиада умидлари—2001" спорт мусобақалари, — dedi экан халқ таълими вазири ўринбосари У.Мусаев, — биринчи мартаба ўтказилаётганлиги сабабли ишбу мусобақалар савияси



устун бўлмоғи лозим. Чунки мусобақалар қолиб жомаларни аниқлаш учун эмас, балки ўқувчиларнинг яхши дам олишларини ташкил этиш, янги ўртоқлар орттириш, қолаверса ўқувчиларни ёшиқдан спорт билан ошно қилиш баробарида, баркамол, етук авлодни вояга етказиш мақсадларида ташкил этилмоқда.

Ҳа, анжуманда ўқитувчилар ва ташкилотчилар зиммасига улкан вазифалар юкланди. Бунинг натижаларини эса биз ўтказилаётган мусобақалар савиясидан тез орада билиб оламиз. Асосийси, мусобақалар бошланди. Шу боис бахсларда иштирок этиш иштиёқига келган 1918 нафар ўқувчиларимизнинг барчасига омад ёр бўлсин деб қоламиз.

Муштарийларимиз эса мусобақаларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги маълумотларни газетанинг кейинги сонларида билиб олиш имкониятига эга бўлишди.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,  
"Маърифат" мухбири

# ДИЛКАШ ДЎСТ ЭДИ



Машъум хабар барчани гангитиб қўйди. "Гулхан" журнали Бош мухбирини, публицисти, шоир Сафар Барноевни шифоқдор ўлим орампидан олиб кетди. Таъкили шоирнинг таржimai ҳолига назар ташласангиз, у бутун умрини маънавий жаранга, тарбия соҳасига бағишлаганининг гувоҳи бўлсин. Сафар Барноев 1938 йилнинг 6 майида Бухоро шахрида туғилди. Урта мактабни тугаллаганидан сўнг 1961 йили Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кирди. 1966 йили университетни тугатган, "Тонг юлдузи" ("Ленин учкуни") рўзномасида оддий ходим, сўнг бўлим бошлиғи лавозимда ишлади. "Камалак" ("Еш гвардия") нашриётида ҳам мухбирликдан бўлим бошлиғига бўлган йўлни босиб ўтди. Эркин ижод қилди, болаларга, ёшларга атаб шеърлар, дostonлар ёзди. Ижод қилиш билан

бирга 1980-1990 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи лавозимда меҳнат қилди. 1991 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик де-вонхонасида таржимон, сўнгра бош назоратчи бўлиб ишлади. Шундан сўнг Сафар Барноев "Гулхан" журналига бош мухбир эриб тайинланди. Энг муҳими, у қайси лавозимда, қаерда ишласин, ўзини камтар тутар, барчага меҳрибонлик кўрсатар эди.

Сафар Барноев, айникса, ижодкор ўқитувчиларнинг жонкуяр устози эди. У республика ижодкор ўқитувчилари доимий анжуманининг ташкилотчиларидан бири эди.

Сафар Барноев Халқ таълими вазирилик, "Маърифат" газетасига тез-тез ташриф буюриб, дўстлари билан дийдорлашиб турарди. Жамоадгиларнинг ҳар бири билан учрашиб, дилдан суҳбат қуларди.

Ҳа, Сафар Барноев дилкаш инсон бўлиб қаторида ўта синчков, меҳрибон инсон эди. У умри давомида эзгу ишлари билан элга танилди, 20 дан ортки бадиий китоблар ёзди. Энг муҳими, болалар шоири ва ёзувчиси сифатида ном қозонди.

Сафар Барноевнинг ширин сўзлари, меҳри нигоҳлари, умуман бегубор сиймоси калбимизда бир умр мухраниб қолажак.

БИР ГУРУХ ДЎСТЛАРИ

# Xullas...

## МИНИ ЮБКА, ХАЙР!

Жанубий Моравия хуудидлаги Злин шаҳарачи ҳукумати хотин-қизларнинг мини юбкада ишга келишларини қатъий таъқиқлади. Ҳукумат раҳбарларининг фикрига қура, танининг старли даражада бекитилмаслиги ён-атрофдагиларда ноҳуш таассурот уйғотди.

"Ишлаган ахлоқ кодекси"нинг жорий қилинишига бирорта шаҳарлик қарши чиқшига ҳаққи йўқ. Қонда хотин-қизларнинг нафақат ташқи кўринишига, балки ахлоқий томонига ҳам ижобий таъсир қурсатди. Айрим шаҳарликлар, қатта одамларга кийиниш ҳақда буйруқ бериш инсофдан эмаслигини таъкидлашмоқда. Уларнинг худосасига мувофиқ, инсоннинг қандай кийиниши эмас, балки яхши ишлаши муҳимроқ.

Ким кўпроқ ҳақ, сиз ҳам худосани узингиз чикаринг.

## БУЮРМАСА, КИЙИН ЭКАН...

Хар қим турли ҳолатда жон топирадиган, бошқака айтганда, пешонага ёзилгани булади. Япониянинг Кавагути шаҳарасида истиқомат қилувчи 26 яшар йигитнинг тақдирда эса ўз жонига ўзи касд қилиши билан булса, эхтимо...

У 55 қаватли уйнинг қайсида қаватидан ўзини пақта отмоқчи эди. 150 метрга учган йигит худди самолётдаги вазнсизлик ҳолатига тушган одамдек, ўзини енгил ҳис қилиб, тикки метр пастиқлаги ойнали потолоқдан сирғалиб, ерга қушди. Полиция машинаси зудлик билан уни касалхонага келтирди, йигитнинг анча-мунча жойи тилиниб, суяклари синган. Ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари, омонати топиришни истаб, аммо бунга эришолмай қолган одамга кулларини силтаб кўя қолдишди. Зеро, аҳмоқона бундай улим худого ҳам хуш келмайди.

## ЎҚИТУВЧИ ҚАРМОҒИДА "ОЛТИН БАЛИҚЧА"

Тамбов атрофида худди рус эртаклари сюжетига хос воқеа кузатилади. Балиқ овига чиққан ўқитувчи халатинда омад қилиб боқармади. Бир пайт қармоқ бехосдан қимирлаб қолди. Қармоқ учиди бир эмас иккита чуртан балиқ биланглаб турарди. Балиқнинг жон ҳолатда қармоқни кутарди. Улжа у қадр капта бўлмаса-да, хайратомуз эди. Балиқларнинг қорни шу қадар ялтйрар эдики, бунга ҳолисига илк бор дуд келган ўқитувчи "олтин балиқча" деб қичқириб юборди.

Кершун сув ҳавзаси бу ҳолисга тудайди иштиқманларга тўлиб кетди. Дарвоқе, халиги балиқлари мутахассислар текширишмоқда. Балки қулчилгизнинг ҳадимизда яшайётган олтин балиқчалар чиндан ҳам бордир...

## ana shunaqa gaplar...

**С** ФАРҒОНАДА ЧЕЛЕНЖЕР ЯКУНЛАНДИ

**Р** Мукофот фонди 25 минг АҚШ долларига тенг бўлган теннис бўйича халқаро турнирнинг жуфтлик баҳсларида жанубий африкалик Рик Ди Войтс ва россиялик Игорь Кунцинлар ва якка тартибда швейцариялик Иво Хайберг бош соврин соҳиб бўлдилар.

**О** "БАВАРИЯ"ГА ЯНА БИР ОДИМ

"Реал" ўз майдонида "МИО" жамоаси каби маълумиятга учрагандан сўнг мюнхенликларнинг шиддатли юриши авж олдди. "Бавария" ярим финал учрашуварининг иккаласида ҳам голиб бўлиб, ўтган йилги чемпионлар лигасининг финали такрорланмаслигини таъминлади.

**У** МУРАББИЙ АЛМАШДИ

Колумбия миллий термаси ЖЧ-2002 саралаш учрашувариди муваффақиятсиз иштирок этгагани боис бош мураббий Луис Гарсия ўз лавозимидан озод этилди. Ҳозирча бош мураббий ким бўлиши аниқ бўлмаса-да, бразилиялик Пауло Сезар номзоди мутахассислар нигоҳига тушиб улгурди.

**Ф** АҲРИЙЛАР МАЙДОНДА

Қорақалповистон Давлат университети спорт заида минни футбол бўйича фахрийлар ўртасида мусобақа бўлиб ўтди. Республика футбол федерацияси ва "Қария" спорт клуби ҳамкорликда ташкил этган мусобақада Ажиниёз номидаги Қорақалпоқ ДПИ фахрийлари 1-ўринни эгаллади ва совғалар билан тақдирланди.

**К** РАМНИК — "ДИЛ-ФРИТЦ"

Жаҳон чемпиони Владимир Крамник "Дил-Фритц" компьютер дастури билан баҳслашадиган бўлди. Каспаров, Ананд каби машҳур шахматчиларни енгган бу шахмат-машинани енга оласа Крамник 1 миллион доллар, Аурнор бўлса 800 минг, маълумиятга учраса 600 минг доллар олади. Суперматч шу йилнинг октябрида Бахрайнда бўлиб ўтади.

**ПИЁДА ҲАМ ОДАМ**

Чорраҳада, айрим жамоат транспортларида "Пиеда — умринг бўлсин зиёда" деган лавҳага кўзимиз тушади. Кези келганда, пиеда юриш ҳам ўзгача бир гашт...

Лекин шундай инсонлар борки, ўз манфаатларини устун қўйиб пиедаларга ҳалап беришади. Пиедалар йўлагининг кенглигидан фойдаланган баъзи тадбиркорлар бемалол ўз ошхонаю дўконларини қуриб, савдони бошлаб юборганликларига нима деса бўлади? Бунинг устига эрталаб ишга, ўқишга кетилаётган пайтда кўча сутуривчиларнинг кўнглини хижил қилиши ёмон. Менимча, улар элдан вақтироқ уйғониб иш бошлашлари керак. Кишиллар айни шундай пайтда кўчани чангитишлари номаъқулчилиқ эмасми? Баъзида кўчанинг хоҳлаган пайтда ишлайдиган бундай ҳамюртларимизга жаввал тўзиб бериш керамикан, деб ўйлаб қолам. Наҳот ўзларимизнинг манъулияти ҳам қилмаса-лар? 100 фоиз бўлса, 50-60 фоизи ошхона, 15-20 фоизи автомобилларнинг тўхташ жойи, бу ёғи пиеда учун нима қолди? **Ахир пиеда ҳам одам-ку!**

Йўлак чеккаларида хунук манзара касб этган ахлат ёки шох-шабба тўпларини кўраимиз. Хўш, манъул шахслар қаерга қараштилар? Наҳотки улар ўз ҳамшаҳарларининг шу йўладан бемалол ўтиб кетишларига ишонсалар?

Албатта, хали вақти келиб шундай бўладики, йўлакларимизни қуриб сайёҳлар ҳам хайратдан оғиз очиб қоладилар, ҳавасга пиеда юрадиганлар ҳам кўпайиб кетади. Бунинг учун раҳбарлар, ҳокимлар ҳам ҳар замон-ҳар замонда пиеда қатнаб туришлари керамикан?..

**Баҳодирхон ЭЛИБОВ**

**Qutlov**

**Хурмати Абдували ШОДИЕВ!**

Сизни тавабруқ 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Сизни Навбахор туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабида олиб бораётган ёш авлод таълим-тарбияси йўлидаги эзгу ишларида омад тилаймиз. Ҳамшиша соғу омон бўлинг.

**Навбахор туман халқ таълими бўлими раҳбарияти**

Урта Чирчиқ туманидаги 3-ўрта мактаб томонида 1988 йилда Эрқуллова Дилфуза Худойқулхона номига берилган 455112 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолаганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛНАДИ.**

Одмавик шахридаги 19-ўрта мактаб томонида 2000 йилда Тўрақуллов Хужааббар Умрқуллович номига берилган 904160 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолаганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛНАДИ.**

**ДҶМБИРАМ**

Халқ бахшиси Шомурод Товай ўйлага баришлов

Шоирнинг сўзида камдир хатоси, Унга ҳечдир дунё моли-матоси. Жаҳонда созларнинг сенсан отаси, Бутун оталигин билдир, дўмбирам.

Агар эллаб чалса сир кўп торингда, Икки қулоғингда, оғоч харингда. Шоир бармоқлари сенинг ёрингда, Созлардан пешининг мўлдор, дўмбирам.

Бармоқ айрғалаган жойинг кенг майдон, Қаддинг қиздан сулув, туршиинг ойдон, Кир деб амр бўлган чокга Худойдон... Кўнглим сен излаган йўлдор, дўмбирам.

Ҳар кўнгли овинчдор, сенинг овинг кўп, Ҳайбатингдан девлар кўрқар, девинг кўп. Қара, ёвлашман десанг ёвинг кўп, Ёвларинг авессиз ўлдир, дўмбирам.

Агар сен йўлсанг тошлар йўқлайди, Кўзлар сўқир бўлса, қошлар йўқлайди... Ҳеч бир ўртанманган бошлар йўқлайди, Йўқлама, ҳамманни худдир, дўмбирам.

**ОТА МЕҲРИ**

Ёшлик экан, уйга гоҳо Қайтар эдим бемаҳал. Ухламаскан отам аммо Чиқмасин деб бир ишқал.

Қулоқ тўтиб ҳар товўшга, Йўлга кўзин тикаркан. Санаб хўроқ қичқирини, Нуқул бармоқ букаркан.

Ота, дедим, бир кун мени, Бетоқатлик не ҳожат. Ақли ноқис ёш эмасман, Этманг мени хижолат.

Ўғлим, деди, отам вазмин, Ақлинг расо, биларман. Ёмонлар кўп, аммо, ўғлим, Сенига омад тиларман.

Мен тарк этган бу дунёни Сен босарсан ўринимни. Йўлга интиқ термуларсан Сен ҳам кутиб ўлингини.

Айтганингиз келди, ота, Уринингизда мен борман. Шукур, ўғлим бутун йигит, Мен барибир белорман.

Фарзанд деган дилга пайванд, Доим унинг ҳаёли Ҳаёт-ку шундан гўзал, Умр шундан сафоли.

**Фаффор ЖАБОРОВ**

**КҶМСАШ**

Эсимда самолар тўла юлдузлар Китоб варағига сочарди шуъла, Тонгни олқишлаган беором тунлар Тўқий олсам дердик бир оғиз жумла. Буюқ қошонамиз пиллапоясин Қадамлар забти-ла биз титратардик. Дўстлар тўплайнишсак дарслар чаласин Қизиқ ҳангомага кўмиб ташлардик. Имтиҳон онлари китоб-ла ҳамроҳ Сокин хоналарни излаб қоладик. Қалбимизга жойлаб меҳр туйғусин Кетар кунни эслаб кўз ёш қилардик. Кўмсаб ёзилганда соғинч ашъори, Сенинг осмонингда кезган бўламан. Само юлдузлари кулмасин мендан Кундуз ташвишларга чўмиб юраман.

**Гулнора АБДУЖАЛИЛОВА,  
Дўстлик туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси**

**МУАЛЛИМА**

(Қатра)

боғлаб ташқарига чиқади. Юз-кўллари ювиб, вақт егача уй-рўздор ишлари билан бўлади. Ана шу тарикда бошланади қишлоқ муаллимасининг ҳар кунги ҳаёти...

Хали ишга кетгунча қандай рўздор ишлари турибди. Аммо ҳаммасига улгурди. Турмушдан нолимайди, оилада меҳрибон она, мактабда эса меҳнатсевар ва доно ўқитувчи!

У хар бир ўқувчиси учун бор меҳри ва билимини беришга тайёр. Ўз устиди тинмай изланади. Мактаб оstonасида мустақил ҳаёт сари учирма қилаётган болаларнинг бир оғиз "Раҳмат, азиз устозим!" деган унутилмас сўзларидан руҳлиниб яшайди.

Давлатимиз раҳбарининг оналар ва болалар учун қилаётган раҳмюрликларидан илҳомланиб меҳнат қилади. Ана шу машаққатли меҳнати роҳатидан, албатта, баҳраманд бўлишга ишонаман. Бошинг тошдан бўлсин, ҳаммаша соғ-омон бўлгин, муаллима аёл!

Қирлар, ақирларга кезмоқда баҳор, Баҳорий қайфият сенига бўлсин ёр. Меҳру муҳаббатга тўлиқсан Аёл, Шарафу шонларга лойиқсан Аёл!

**Гулҷехра ҚҶДОШЕВА,  
Қўшработ туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси**

**Ma'rifa**

**ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР**

Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Таълим ва фан ходимлари касабига уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош мухбир  
Ҳалим САИДОВ

Тахрир хайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҶРИБОВЕВ, Шукур ЖОНБОВЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўрможон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош мухбир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Худайер ТҶЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ХОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдилар. «Маърифат» дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширишнинг шарт.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Кабулхона — 136-54-10, Матбуот котиби — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Ma'dalok» нашриётида терилди Pentium компьютерда Дилна БИНАШЕВА саҳифалади.

Навбатчи мухбир: Дилбар ХҶЖАЕВА, Навбатчи: Нурлан УСМОНОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда руҳбатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150, Г-2417. Тиражи 26.518.

Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

**«Шарк» нашриёт-маتبаса акциядорлик компанияси босма-хаттада чоп этилди.**

Қорхона манзили: «Буюқ Тўро» кўчаси 41-уй.

Босишга топириш вақти — 20.00.

Топириши — 20.00.